«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танловига

# ОЗОДЛИКНИНГ ҚЎЛЛАРИ



*Онанг каби Ўзинг билан*
*Уни олиб юр,*
*Боланг каби бир қадам ҳам*
*Кетказма нари.*
*Бу дунёни фақат*
*Унинг билан баҳам кўр,*
*Мангу, қўлларингга туташ*
*Турсин қўллари.*

*Дунё бир кам, ҳар хил келар*
*Оллоҳнинг куни.*
*Бош устингда бир кун қайғу*
*Бир кун гуллар шон.*
*Онасиз ҳам, боласиз ҳам*
*Яшаш мумкин-ку,*
*Озодликсиз яшаш*
*Мумкин эмас ҳеч қачон!*

Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

# АРЗИГАЙДИР

*Ўпаман байроғимни,*
*юксалган иймонимни*
*Арзигайдир мен уни*
*йўлларида бош қўйсам.*
*Арзигайдир бахш этсам*
*худо берган жонимни*
*Арзигайдир мен уни ичим,*
*сиртимга кийсам.*

*У — оддий байроқ эмас.*
*У деб эллар куйинган*
*Кўтарилса «миллий шон»,*
*тушса, «миллий оҳ»дир У.*

*Душманига бермасдан*
*ўлганидан кейин ҳам*
*Нажмиддини Кубролар*
*ёпишган байроқдир У.*

*Байроқ — бугун ҳам иймон,*
*Иймон сотилмагайдир.*
*Қон кечган урушлар ё*
*Омон-омонларда ҳам.*



*Иймон йўли битта, у*
*Қайта ўтилмагайдир.*
*У деб жондан кечарлар,*
*Бизнинг замонларда ҳам.*

# ЁШ БУРГУТЛАР, ЭСЛАБ ҚОЛИНГ...

*Ёш бургутлар,*
*Ёш сингиллар, ёш иниларим,*
*Парвоз олди тағин*
*шиддатлироқ силкининг.*
*Ёш бургутлар, эркин шамол*
*оғайнилари,*
*Қанотларни ёзинг,*
*ўтди жаҳолат туни.*

*Жаҳолатнинг туни*
*ёвқур бобомни ютди,*
*Сулув момом, қабоқлари*
*бодомни ютди,*
*Ҳурлик деган, эрк деган*
*ҳар одамни ютди,*
*Эслаб қолинг, ёш сингиллар,*
*ёш иниларим.*

*Шукур, бугун қайга*
*деса кўлингиз етди,*
*Аммо узун-узун қўли чопилган ўтди,*
*Ўткир кўзи қум*
*сепилиб ёпилган ўтди,*
*Эслаб қолинг, ёш сингиллар,*
*ёш иниларим.*

*Шукур, бугун ҳурлик*
*берган толе сизга ёр,*
*Аммо не-не ҳурлик деган*
*бошни еган дор,*
*«Ҳурлик» сўзин айтгач*
*тили кесилганлар бор,*

*Эслаб қолинг ёш сингиллар,*
*ёш иниларим.*

*Чидамасмиз Ватанфуруш,*
*ватанхўрликка,*
*Кўтараркан байроғини*
*бош узра тикка,*
*Биз суғуриб юрагимиз бердик*
*Ҳурликка,*
*Эслаб қолинг ёш сингиллар,*
*ёш иниларим!*

*Тўккан увол қонларимиз*
*Сизни кўтарар,*
*Ўлик, тирик жонларимиз*
*Сизни кўтарар,*
*Қасос, армонларимиз*
*Сизни кўтарар,*
*Эслаб қолинг ёш сингиллар,*
*ёш иниларим!*

*Қўлни қўлга беринг,*
*занжирланинг, қалқингиз,*
*Ҳурлик қанот бўлсин,*
*ҳаволанинг, кўкланинг.*
*Умид билан кўз тикаркан*
*сизга халқингиз,*
*Кулайдиган жон йўқ,*
*Жой йўқ,*
*Фақат тикланинг!*
*Эслаб қолинг, ёш сингиллар,*
*ёш иниларим!*

# БОЛАЛАРНИНГ ОНАЛАРИ

*Бошларидан гул сочилсин, сочилсин зар*
*Сиқилмасин худди анор доналари.*
*Боларин бахтин кўриб яйрасинлар*
*Бу дунёда болаларнинг оналари.*

*Жаннат қушчалари хизматида турсин*
*Соврилмасин бирор гул нишоналари.*
*Гўдагига алла айтиб тонг оттирсин*
*Бу дунёда болаларнинг оналари.*

*Оллоҳ йўлларига яшил бахмал ёпсин,*
*Бемаҳал ҳувилламасин хоналари.*
*Пайғамбарнинг қизларидай*
*иззат топсин*
*Бу дунёда болаларнинг оналари.*

*Кўнглингизга етса маним зорим зора*
*Бошимизга тождир койиш, таъналари.*
*Фариштага айланади бора-бора*
*Бу дунёда болаларнинг оналари.*

***Шоҳ асар, шоҳ кўча деб эшитгансиз. Худди шу сингари спорт мусобақаларнинг ҳам шоҳи бўлади, десам ишонаверинг. Бутун дунёда Олимпиада номи ила аташади уни. Тўрт йилда бир марта ўтказиладиган, бешта қитъа вакилларини дўстона беллашув орқали бирлаштирадиган бу йирик анжуман дастуридан ўрин олган мусобақаларни эса Олимпия спорт турлари дея қадрлашади.***

# Мағрибу Машриқнинг зўр полвонлари

## жаҳон чемпионатининг олтин медали учун Тошкентда беллашадилар

FILA

Ўзбекистонда шу пайттача ана шундай спорт турларининг биронтасидан жаҳон чемпионати ўтказилмаган эди. 9-13 август кунлари эркин ва юнон-рум кураши бўйича Тошкентда бўлажак жаҳон чемпионати, энг аввало, мана шуниси билан аҳамиятлидир.

Хўш, бунга ўз-ўзидан эришилдими? FILA (Халқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси)нинг 60-70 та давлат вакиллари қатнашадиган бу обрўли мусобақани Ўзбекистонда ўтказишига нима турткн бўлди?

Хабарингиз бор, мамлакатимизда беш-олти йилдан буён эркин ва юнон-рум кураши бўйича "Мустақиллик кубоги" халқаро турнири юксак савияда ташкил этиб келинмоқда. Эндиликда анъанавий бўлиб қолган бу беллашувларнинг таърифини хорижда ҳам яхши билишади. Бундан ташқари, қитъа биринчилиги, Олимпия ўйинларининг саралаш баҳслари ҳам Тошкентда қойил мақом тарзда ташкил этилди. Бу мусобақаларга Александр Карелин, Раффи Мартинетти, Александр Медведь, Арсен Фадзаев каби спорт оламининг кўзга кўринган намояндалари фахрий меҳмон сифатида ташриф буюришди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга FILAнинг олий мукофоти — "Олтин маржон"нинг топширилиши эса эркин ва юнон-рум курашининг Ўзбекистондаги жадал ривожи, оммавийлашувининг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди. Таъкидлаш жоизки, камдан-кам давлат раҳбарларига мазкур мукофот билан тақдирланиш насиб этган.

Воқеа арафасида



Республика Спорт курашлари ассоциацияси президенти Аҳрол Рўзиевнинг берган маълумотларига қараганда, жаҳон чемпионатини бизнинг юртимизда ўтказиш қарорига келишдан олдин FILA ана шу омилларни ҳисобга олган.

Шу ўринда мухлисларни қизиқтирган яна бир саволга жавоб бериб кетсак: жаҳон чемпионати беллашувлари нима учун "Юнусобод"да эмас, "Ўзкўргазмасавдо" марказида ташкиллаштирилмоқда?

Бунинг сабаби оддий. Дунё биринчилиги бўлгандан кейин, шунга яраша талаблар ҳам қўйилади. Масалан, ҳар бир жамоага алоҳида кийиниб-ечиниш, ювиниш хоналари, беллашувга чиқишдан олдин чигалёзди машқларини ўтказадиган қўшимча гилам зарур. "Юнусобод" спорт мажмуининг имкониятлари ана шу жиҳатдан бироз чекланган. Яна бир томони, август ойида пойтахтимизда об-ҳаво иссиқ келиши кутилаётгани боис, мусобақани кучли совутиш мосламалари бор мажмуага кўчириш таклифи бир овоздан маъқулланди. Демак, мухлислар кун бўйи салқин кошонада баҳсларни бемалол томоша қилиш имконига эга бўладилар.

Айни кунда Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Каромов бошчилигида тузилган ташкилий қўмита чемпионатни юксак савияда уюштириш учун қизғин тайёргарлик ишларини олиб бормоқда. Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон", "Тошкент", "Шодлик-Палас", "Интерконтинентал" меҳмонхоналарида иштирокчи спортчилар, мусобақа меҳмонлари учун жойлар ҳозирланмоқда. Бу борада Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбектуризм" ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий компаниялари ўз ёрдамларини аямаяптилар.

Чемпионат баҳсларида 60 дан ошиқ мамлакатлар полвонлари қатнашиши кутилмоқда. Ҳозирнинг ўзида 55 та давлат спортчилари ўз иштирокини тасдиқлашди. Сал кам бир ҳафта давом этадиган беллашувларда 50, 54, 58, 63, 69, 76, 85, 97, 130 килограммгача бўлган вазн тоифаларида 17-20 ёш оралиғидаги полвонлар гиламга чиқадилар.

Мутахассисларнинг фикрича, мезбон спортчилар билан бирга Россия, АҚШ, Эрон, Туркия, Болгария, Украина, Ҳиндистон, Франция вакиллари кўпроқ медал қўлга киритиши тахмин қилинмоқда. Ғолибларга бериладиган кубок ва эсдалик совғалари, олтин, кумуш, бронза медаллари тахт қилиб қўйилган.

Ушбу нуфузли мусобақада республикамиз байроғини баланд кўтаришни ният қилган полвонларимиз Янгиобод, Дукент спорт базаларида Комил Фатхулин (юнон-рум) ҳамда Маъмур Рўзиев (эркин кураш) бошчилигида жиддий машғулотлар ўтказишмоқда.

**Озод РАЖАБОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Қабулхонада

— Ҳузурхонов акамларгами? У киши бандлар. Чоршанба куни қабул қиладилар. Навбатга ёзилиб қўйинг.

— Мен унинг отасиман.

— Ие, шунақами?.. Танимабмиз-а узр. Унақа бўлса, чоршанба куни келаверинг, навбатсиз киритиб юборамиз.




### Қойил эмас

— Тежамкорлигимга энди қойил қоларсиз, дадаси, — деди бир куни хотини Хасисхўжага. — Ўзимнинг эски кўйлагимдан сизга галстук тикиб қўйдим.

— Мутлақо қойил эмасман. Мен сенинг тежамкорлигингга қачон тан беришим мумкинлигини айтайми?

— Айтинг-чи...

— Менинг эски галстугимдан ўзингга кўйлак тикиб олганингда.

**Ҳабиб СИДДИҚ.**


Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотларига!

***Республика хўжалик ҳисобидаги пудрат савдолари (тендер) ташкил этиш бошқармаси***

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

***2001 йилда Сирдарё вилоятида марказлаштирилган маблағлар ҳисобига амалга ошириш режалаштирилган қуйидаги иншоотлар бўйича бош пудратчиларни танлаш юзасидан***

**ОЧИҚ ПУДРАТ САВДОЛАРИНИ (ТЕНДЕРЛАР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. ***Сирдарё вилояти хўжаликларида дизель насос станцияларини электроэнергияси қувватига ўтказиш ишлари (11 станция).***
2. ***Ш.Рашидов туманининг «Истиқлол» хўжалиги суғориладиган ерларини қайта қуриш ишлари.***

***Буюртмачи:*** Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, 15-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

*Пудрат ташкилотлар зарурий профессионал ва техник малакага, молиявий имкониятларга, ишчи ва техника ресурсларга, шартнома тузиш учун фуқаролик ва юридик ҳуқуққа эга ҳамда тажрибали ва ишончли бўлишлари керак.*

*Тендерларда иштирок этишни хоҳловчилар Республика тендерларни ташкил этиш бошқармаси Сирдарё вилояти филиалига тендер ҳужжатларини олиш ҳақида сўровнома билан 2001 йил 20 августгача соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари лозим:*

**Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уй**
**(Вилоят капитал қурилиш бошқармаси биноси),**
**тел. 27-64-42, тел./факс 27-64-84.**

*Тендер ҳужжатлари бир тўпламининг нархи 15000 сўм.*

**Офертаалар юқоридаги манзил бўйича**
**2001 йил 30 августгача қабул қилинади ва тендер комиссияси**
**томонидан 2001 йил 31 август куни кўриб чиқилади.**

4553



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**Европа Тараққиёт ва тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Германиянинг КфВ банки, ОПЕК фонди, шунингдек, хорижий экспорт-импорт кредит агентликлари очган кредит йўналишлари ҳисобидан кичик ва ўрта тадбиркорликни хорижий валютада қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.**

Биз сизнинг бизнесингиз гуллаб-яшнашидан манфаатдормиз, ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёрмиз ва ўз мижозларимизга юксак малакали мутахассисларнинг ноёб тажрибасини, шунингдек, кредит йўналишлари доирасида молиялашнинг энг мақбул схемаларини таклиф этамиз.
Хусусан, сиз тақдим этган лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларига қараб, **50 минг АҚШ долларидан 5 млн. АҚШ долларигача** миқдорда кредитлар берамиз.

1991 NBU 2001
National Bank of Uzbekistan

Қўшимча маълумот олиш учун банкнинг исталган бўлим ва филиалига ёхуд «Ўзмиллийбанк»нинг лойиҳаларни молиялаш марказига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: 137-62-73, 137-62-75, 137-59-47, 137-63-48.
www.nbu.com

4456


Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис депутати
**Муҳаммад ЮСУФнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти жамоаси математик статистика бўлимининг мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор
**Шоюсуф ҲОШИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши мазкур Кенгаш аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири
**Муҳаммад ЮСУФнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, профессор
**Маннон САИДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис депутати
**Муҳаммад ЮСУФ**
**(Муҳаммаджон Юсупов)нинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2615, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА.
Мусаҳҳиҳ — Б. ҲАСАНОВ.

· МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 20.50*
1 2 3 4 5 6